

УДК 316; 911.3

ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТЛАР ВА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР
УЧУН АМАЛДАГИ ЖАЗО

ДЕЙСТВУЮЩЕЕ НАКАЗАНИЕ ЗА ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ
И СОВЕРШЕННЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

CURRENT PUNISHMENT FOR ENVIRONMENTAL CRIMES AND CRIMES
COMMITTED

Исматуллаев Отабек Тахирович

*Фаргона вилояти ИИБ ҳуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар
бўлими*

Аннотация: *Мақолада атроф-муҳитни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *атроф муҳит; экологик жиноятлар; жиноят кодекси; жиноий-ҳуқуқий муносабатлар; жиноий жавобгарлик; жиноятларнинг олдини олиш.*

Абстрактный: *В статье рассмотрены уголовно-правовая охрана окружающей среды, общественные отношения, связанные с их предупреждением.*

Ключевые слова: *окружающая среда; преступления в сфере охраны окружающей среды; уголовный кодекс; уголовно-правовые отношения; уголовная ответственность; предупреждения преступлений.*

Annotation: *The criminal-legal protection of environment and social relations connected with its warning are viewed.*

Key words: *environment; crime on the sphere of the protection of environment; Criminal Code; criminal-legal relations; criminal responsibility; warning of crimes.*

Асосий қисм: Биз яшаб турган табиий муҳит инсон ва табиат муносабатларини ўзаро мувозанатда бўлишини, уйғунлигини тақозо этади. Бугунги кунда тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий муаммоларнинг ечилиши жаҳонда экологик муаммоларнинг кескинлашувига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис, бутун дунё эътибори экологик муаммоларга, экологик ҳолатнинг кескинлашиши сабабини аниқлашга, атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини яхшилаш йўллари кидиришга қаратилган.

Худди шу сабабли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига бир неча мартаба дунё давлатлари эътиборини қаратди. У ўз нутқларида атрофмуҳитни муҳофаза қилиш умумжаҳон муаммоси эканлигини ва бу соҳада Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамкорликка тайёр эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси ҳам атроф-муҳит муҳофазасига бағишланганлиги бежиз эмас. Унда фуқароларнинг атроф-муҳитга,

табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий нормалар 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида ҳам ўз аксини топган.

Юртимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш йўлида кенг қўламли дастурлар амалга оширилмоқда. 2008-2012 йилларда Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури, 2011-2015 йилларда атроф табиий муҳит давлат мониторинги дастури, барқарор ривожланиш концепцияси 2030 йилга қадар амалга оширилиши белгилаб қўйилган дастур, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепцияси шулар жумласидандир. Давлат сиёсатининг асосий мақсади экологик хавфсиз муҳит яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу давлат сиёсатининг ҳуқуқий негизлари замирида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг жиноят ҳуқуқий нормалари етакчи ўринни эгаллайди.

Амалдаги Жиноят кодексига экология соҳасидаги жиноятлар учун алоҳида (IV) бўлим «Экология соҳасидаги жиноятлар» ажратилган. Ушбу бўлим «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» (XIV боб) деб бўлинади ва ўн икки хилдаги экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутди: Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш 193-модда; атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш 194-модда; атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик 195-модда; атроф табиий муҳитни ифлослантириш 196-модда; ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш 197-модда; экинзор, ўрмон ёки бошқа довларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш 198-модда; ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш 199-модда; ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш 200-модда; зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш 201-модда; ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш 202-модда; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш 203-модда; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш 204-модда.

Экология соҳасидаги барча жиноятлар (ЖК нинг 193-204-моддалари) бланкет диспозициялардир. Яъни, жиноят қонуни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар тушунчасини ва белгиларини диспозициянинг ўзида очиб бермасдан ушбу соҳада қабул қилинган қонунлар ёки норматив ҳужжатларга мурожаат қилинади. Шунингдек, диспозицияда атрофмуҳитни муҳофаза қилишга боғлиқ махсус терминлар, тушунчалар кўплаб қўлланилади. Буларнинг экология соҳасидаги жиноятларни тушуниш ва тўғри квалификация қилиш учун ушбу соҳа бўйича қонун ва норматив ҳужжатларни ўрганиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни қўллашда қуйидаги қонунлар асосий манба вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикасининг - Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни[1]; Ўзбекистон Республикасининг -

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуни[2]; Ўзбекистон Республикасининг - Чиқиндилар тўғрисидаги қонуни [3]; Ўзбекистон Республикасининг -Табиий монополиялар тўғрисидаги қонуни[4]; Ўзбекистон 105 Республикасининг -Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг -Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг -Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг -Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг -Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни.

Экология соҳасидаги жинойтларни квалификация қилишда юқорида кўрсатилган қонунлардан ташқари соғлиқни сақлаш, фуқаролик, маъмурий, божхона ва бошқа соҳалар бўйича қабул қилинган қонунларни ҳам ўрганиш зарурияти пайдо бўлади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек, давлат қўмиталари ва органлар тарафидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар табиатни муҳофаза қилиш вазифасини ҳар томонлама ҳал этиш зарурлигини кўрсатади. Уларда энг муҳим принципиал ҳолатлар қайд қилинади. Мазкур ҳужжатлардаги нормалар дастур тарзига эга бўлган талабларни амалга оширишда таъминладиган воситалар мажмуаси жумласига киради ва давлатнинг экологик сиёсатида ўз ифодасини топади. Одатда улар табиатни муҳофаза қилиш бўйича мамлакатда амалга оширилаётган узоқ муддатга мўлжалланган стратегик мақсадларга хизмат қилади.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик энг кўп қўлланиладиган жавобгарлик туридир. Маъмурий жавобгарликка тортишга маъмурий ҳуқуқбузарлик асос бўлади. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг —Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ни назарда тутувчи 8-бобида назарда тутилган.

Экологик жинойт ишлар ЖПК (322-модда) да кўрсатилган етарли асослар бўлгандагина қўзғатилади. Экологик жинойтлар терговининг самарадорлиги, энг аввало, терговчининг мазкур корхона ва тозалаш иншооти ишлашини ташкил этишнинг ўзига хос томонларини билишига боғлиқ.

Бу жинойтларнинг барчаси тергов услуги нуқтаи назаридан бир хил кўринишга эга ва ўз криминалистик белгиларига кўра, яъни содир этилиш тарзи, механизми ва шарт-шароити, содир этган шахс ва келтирган зарар характери жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшашдир. Мазкур тоифадаги ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни тергов қилиш ва очиш экологик жинойтлар қолдирган типик моддий изларда криминалистик аломатлар бутунлай аниқ намоён бўлиши ва уйғунлигига боғлиқ. Масалан, табиий муҳитнинг ифлосланиши турли кимёвий воситалардан фойдаланиш, энергетик иссиқлик, шовқин, тебраниш, радиация тарзида ҳаддан зиёд тарқалиши атроф-муҳит

таркибий қисмини биологик ва физик тузилмалар ва сифат жиҳатдан жиддий оғишларга олиб келади.

Тупроқ ва ер ости бойликлари, дарё, кўллар, сув омборлари, каналлар, сув ҳавзалари, сизот сувлари, музликлар ва ҳоказолар асосан саноат, транспорт, коммунал хўжаликлар ва бошқа корхоналардан чиққан тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқовалардан ифлосланади. Ҳаво бўшлиғи эса асосан қора ва рангли металлургия корхоналари, кимёвий, энергетик, нефтни қайта ишлаш саноати томонидан норматив хужжатларда белгиланган ва рухсат этилган концентрация (РЭК)дан юқори миқдорда чиқариладиган углевод оксиди, олтингугурт, кўрғошин, азот оксидлари, симоб, водород сульфиди ва бошқа жонли мавжудот учун хавфли бўлган моддалардан ифлосланади.

Экологик зарар келтирадиган қилмишларни аниқлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак: 1) мазкур ҳудудда мавжуд чиқинди чиқарадиган табиатни ифлослайдиган манбалар ишлаб чиқариш корхоналари қанча эканлиги; 2) чиқиндининг РЭКдан юқорилиги, уларнинг миқдори, ифлосланишининг давомийлиги, вужудга келган экологик хавфлилик даражаси; 3) тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқовалар, ташландиқ ва чиқиндиларни сув ҳавзалари ва атмосферага чиқариш сабаблари; 4) атмосфера ва сув муҳитини ифлослашда айбдорлар, айниқса нотўғри кўрсатмаси туфайли ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган шахслар; 5) жиноий оқибатларга олиб келган хатти-ҳаракатлар, уларнинг юз берган ва давом этган вақти, зарарли оқибатларни бартараф этиш имкониятлари ва бошқаларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бир қатор ҳолатларда давлат органларининг санитария назорати ва бошқа инспекция ходимларининг талаблари, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини бажармаслик, тозалаш иншоотларини қуриш ёхуд таъмирлашдан бош тортиш натижасида ҳаво ва сувлар ифлосланмоқда. Бунда кўрсатмаларни бажармаслик сабабларини белгилаш, корхона раҳбари ёхуд бевосита ижрочилар айбини аниқлаб олиш зарур. Тергов ишлари мукамаллигини таъминлаш учун жиноят содир этишга олиб келган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи вазият бўйича айбланувчиларни шартшароитларини аниқлаш лозим. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, технологик режим талабларига риоя қилиш тозалаш иншоотлари, чанг ва турли газларни тутиб қоладиган қурилмаларни ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Умумий ҳулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларга қарши кураш олиб боришда бу соҳадаги жиноятларнинг ер юзида тирикчилик қиладиган инсоннинг биологик асосларига, соғлигининг мустаҳкамланишига хавф туғдириши ҳаминша эса тугилиши шарт. Шу боис ушбу соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш чораларини тўғри ташкил қилиш ва бу борадаги тадбирларнинг ўз вақтида олиб борилишига эришиш лозим. Бу эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради. Шунингдек, мамлакатимизда атроф – муҳитни муҳофаза қилиш (сув, ер, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш), табиий ресурсларни тежаш, жамиятда экологик-ҳуқуқий онг масалаларига

катта эътибор берилаётганлиги инобатга олинса, бу аҳамиятнинг салмоғи яна ҳам ортади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси Ўзбекистон, 2023.
2. Ш.Мирзиёев Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 9-сон. 2002 йил 5 май.
4. Muhitdinov I. JINOYAT GEOGRAFIYASI VA UNING MOHIYATI, ASOSIY YO'NALISHLARI //Farg'ona davlat universiteti ilmiy jurnali. – 2023. – №. 2. – S. 197-197.
5. Muxitdinov I. I. JINOYATCHILIK GEOGRAFIYASI: SHAKILLANISH TARIXI VA FANLARARO MOHIYATI // Ekonomika i sotsium. – 2023. – №. 4-1 (107). – S. 739-743.
6. <https://lex.uz>.
7. <https://parliament.gov.uz/news>